

Алишер НАВОИЙ

«ЛИСОНУТ-ТАЙР»

(ҚУШ ТИЛИ)

Тошкент

Адабиёт ва санъат нашриёти

1991

ЎЗССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲАМИД СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚУЛЁЗМАЛАР
ИНСТИТУТИ

Таҳрир ҳайъати:

АЗИЗ ҚАЮМОВ, АБДУЛЛА ОРИПОВ, АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ, БЕГАЛИ ҚОСИМОВ,
НАТАН МАЛЛАЕВ, ОДИЛ ЁҚУБОВ, ОМОН МАТЖОН, СУЙИМА ҒАНИЕВА

Тузувчи: *Нодир Раҳмонов*

Филология фанлари номзоди Шарафиддин Эшонхўжаев тайёрлаган «Лисонут-тайр»нинг илмий
танқидий матнидан нашрга тайёрловчи *Ваҳоб Раҳмонов*

Сўзбоши муаллифи, изоҳ ва луғатлар тузувчиси *Ваҳоб Раҳмонов*

КУНГИЛЛАР ҲАМРОЗИ

Галактикамизнинг ер шари деган жаҳонида одамлар олами, ҳайвонлар олами, қушлар олами, ҳашоратлар олами ва бошқа оламлар бор. Шу оламлар орасида болалар оламига кўпроқ яқини қушлар олами бўлса эҳтимол. Шунинг учун бўлса керакки, 9—10 ёшлардаги Алишер Фаридиддин Атторнинг «Мантикут-тайр» («Қуш нутқи») номли достонини жуда ёқтириб қолди ва муттасил шу дoston такрорига ружуъ қилди. «Лисонут-тайр»нинг куйидаги парчасида ёш Алишер таълим олган мактабда ўқувчилар ўқиётган муқаддас диний ва дунёвий бадиий асарлар кўзга ташланади, Талабалар сабоқ такроридан ё каломуллоҳни такрорлаш машқидан толиққанларида устоз ёшларнинг хотирасини мустаҳкамлаш учун қизиқарли китоблар мутолаасига рағбатлантирар экан. Уларнинг бири Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», иккинчиси ушбу шарқ ахлоқи отасининг «Бўстон» китобларини ўқишга киришар экан, Алишернинг содда қалби «Мантикут-тайр»га майл этади. Бу мойиллик шу даражага етадики, у бошқа китобларга қарамай қўяди:

*Ёдима мундоқ келур бу можаро,
Ким туфулият чоғи мактаб аро,
Ким чекар атфоли марҳуми забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтига ун.
Эмгонурлар чун сабақ озоридин,
Ё «Каломуллоҳ»нинг такроридин.
Истабон таиҳиси хотир, устод*